

ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.28.65.001>

Муминова Гуласал Бахадировна,

Кўқон давлат педагогика институти мактабгача таълим кафедраси
ўқитувчиси

Ганиева Вазира Юсуфовна

Кўқон давлат педагогика институти мактабгача таълим кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши тизими фаолиятини такомиллаштириши масалаларига багишланган. Шунингдек, муаллиф малака ошириши тизимини инновацион ёндошув асосида ташкил этиши бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

Калим сўзлар.Мактабгача таълим, инновацион ёндошув, масоғавий таълим, малака ошириши, муаммо, жараён, тизим, дастурлаш, баҳолаши, билим, малака, кўникма.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ СОТРУДНИКОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА

Муминова Гуласал Бахадировна,

преподаватель кафедры дошкольное образование Кокандского
государственного педагогического института

Ганиева Вазира Юсуфовна
преподаватель кафедры дошкольное образование Кокандского
государственного педагогического института

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования системы переподготовки и повышения квалификации кадров дошкольного образования. Автор также поделился своими мыслями о том, как разработать инновационный подход к модернизации системы дошкольного образования.

.Ключевые слова. Дошкольное образование, инновационный подход, дистанционное обучение, профессиональное развитие, проблема, процесс, система, программирование, оценка, знания, навыки, умения.



THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS FOR ADVANCED TRAINING OF EMPLOYEES OF PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH

Muminova Gulasal Baxadirovna,

*Lecturer of the Department of "Preschool Education" of the Kokand State
Pedagogical Institute*

Ganiyeva Vazira Yusufovna

*Lecturer of the Department of "Preschool Education" of the Kokand State
Pedagogical Institute*

Annotation. The article deals with the issues of improving the system of retraining and advanced training of preschool education. The author also shared his thoughts on how to develop an innovative approach to the modernization of preschool education.

Key word. Preschool education, innovative approach, distance learning, professional development, problem, process, system, programming, evaluation, knowledge, skills, abilities.

Мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ўғил-қизларнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарорлари қабул қилинди. [1]. Унга кура:

- мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;
- ўқув жараёнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни таъминлаш;
- мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг илмий муаммоларига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;
- ҳудудий марказларда дарс берадиган профессор-ўқитувчилар таркибининг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб бориш, ўқув жараёнинг хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни жалб

этиш ишларини ташкил этиш;

- худудий марказлар фаолияти натижадорлигини мунтазам ўрганиб бориш ва ўрганиш натижалари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиши;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича худудий марказлар раҳбарларининг хисоботлари муҳокамасини ташкил этиш, муҳокама натижалари юзасидан худудий марказлар раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш каби долзарб масалаларни амалга оширилишига қаратилган.

Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, якка тартибдаги машғулотни бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш мақсадида кўпгина хизматлар ташкил этилди. Бу ҳам бўлса масофавий таълим.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёснига масофавий таълимнинг концептуал ғоялари билан қўшиб олиб борилган шахсий-фаолиятли ёндашувлар синтези мактабгача таълимнинг янги сифатини таъминлади.

Масофавий таълим феноменини назарий англаш тўғрисидаги ишларнинг хусусияти шундан иборатки, масофавий таълим назариясига бағишинган кўпчилик ишлар педагогик, ташкилий, иқтисодий ва бошқа ёндашувларнинг синтези бўлиб хисобланади. Бунда кўпгина муаллифлар мавжуд бўлган илмий тушунчалар аппаратинининг чекланганлиги тўғрисида хulosага келадилар ва масофавий таълимни мос равища ёритиш мақсадида назарий аппаратни ривожлантиришда ўзларининг таклифларини беришга харакат қиласидилар.

Охирги ўттиз йил давомида масофавий таълим тизимлари кўринишини ўзгартирган ҳолда таълимий ва ахборот маданиятининг оламшумул ҳодисаси бўлди. “Масофавий таълим” деб умумий ном билан бирлашган бутун бир таълим химатлари индустряси пайдо бўлди ва тезкор ривожланмоқда, у таълим олувчиларнинг жуда кўпчилик сонини қамраб олади ва ўзининг ўлчамлари ва инфраструктурасининг мураккаблиги билан лол қолдиради.

Лекин, масофавий таълимнинг кўпқирралилиги ва кенгқамровлилиги, турли марказларда масофавий таълимни ташкил қилиш шаклларининг турли туманлиги сабабли масофавий таълимнинг умумий қоидаси мавжуд эмас..

Баъзи муаллифлар масофавий таълим бу таълимнинг шакли эмас, фақатгина алоҳида “таълим технологиялари” ёки “ахборотли-таълим макони” деб, бошқалари эса масофавий таълим, таълимнинг сиртқи шаклини белгилаб беради, учинчилари таълимнинг бу шакли учун бундан ҳам умумийроқ бўлган очиқ таълим деган атамани таклиф қиласидилар.[2].

Европа мухбир мактаблари ассоциацияси (AECS) президентининг образли таъбири бўйича: “Масофавий таълим – бу ўқишдан сал каттароқ, эшитиш ёки кўришдан каттароқ, аввалроқ тайёрланган ўқув материалларидан каттароқ, технологиядан каттароқ, мустақил ўрганишдан каттароқ, тренингдан каттароқ, очиқ ўқишдан каттароқ нарсадир....”. [2].

Бизнинг тадқиқотимиз доирасида масофавий таълим нима,



мактабгача таълим муассасалари педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни ривожлантиришга бўлган эҳтиёж нимани англатади, деган саволларга аниқроқ ва равшанроқ жавоб берувчи муҳим кўрсатгичларни аниқлаш муҳимдир.

Бу мақсадда “масофавий таълим” тушунчасига таъриф беришнинг А.В.Густырь таклиф этган таҳлил методидан фойдаланамиз. Агар масофавий таълимнинг асосий белгиси масофадан ўқитиш, яъни таълим жарабёни таълим олувчи ва таълим берувчи бир аудиторияда эмаслиги ҳолатида юз берса, унда улар орасидаги мулоқот билвосита характерга эга бўлади ва ахборот-коммуникацион воситаларга муҳтож бўлади. Бошқача килиб айтганда масофавий таълим таълим олувчининг таълим берувчи (умумий ҳолда предметли ва методик билимлар манбаи) билан тескари алоқаси бўлишини ёки интерфаолликни кўзда тутади.

Шундай қилиб, масофавий таълимнинг таълимнинг бошқа турларидан, энг аввало кундузги таълимдан фарқи, билвосита интерфаол коммуникация орқали таълим олиш усулидир, бунда коммуникациянинг муайян воситалари ва технологиялари масофавий таълимнинг муҳим белгиси сифатига эга эмас.

“Масофавий таълим” тушунчасини кенгайтириш мақсадларида масофадан ўқитишининг амалдаги турларини солиштириш методидан фойдаланиш мумкин, у биринчидан, масофавий таълим назарияси ва амалиётини ривожлантиришдаги тенденцияларни аниқлаш, иккинчидан, масофавий таълим турлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, учинчидан, масофавий таълим методологиясини, унинг турлари асосидаги дидактик тамойилларни аниқлаш имконини беради.

Масофавий таълим назарияси ва амалиётининг ривожланишини таҳлил қилишда икки турдаги таълим тизими аниқ ажралиб чиқади, уларни фарқлаш, “масофавий таълим” тушунчасини етарли даражада аниқлашга уринища юзага келадиган зиддиятлар моҳиятини тушунишга олиб келади.

“Мухбирли таълим” деб ном олган таълим тизими, тарихан масофавий таълимнинг бошқа турларидан олдин пайдо бўлган. Ўқитишининг бу турининг асосида масофавий почта жўнатмалари воситасидаги таълим коммуникацияси ётади.

Иккинчи турдаги таълим тизими ахборот-коммуникация воситалари ривожланишидан пайдо бўлган, у аудитория машғулотларини узоқ масофалардаги аудиторияларга узатиб бериш имконини яратган ва аудио- видео- трансляциялар воситаси билан масофавий таълим коммуникациясини таъминлаган.

Мухбирли таълим тизими масофавий таълим ғоясини таълим жарабёнининг анъанавий ташкилий шаклларидан бутунлай фарқ қиласиган таълим шакли сифатида амалга оширади.

Масофавий таълимнинг “мухбирли” таълим тизимининг дидактик принциплари ушбу таълим шаклида ўқиётганларнинг психологик хусусиятлари ва таълимий эҳтиёжларини амалга оширади. Умумий дидактик тамойиллар сирасига қуйидагилар киради:

1. “Мухбирли ўқитиш”, ўқитиш шакли сифатида, таълим олувчилар

учун маҳсус ўқув-методик ва аттестацион материалларни яратишни талаб қиласиган мустақил таълим фаолиятига асосланган;

2. Таълим олувчининг таълимнинг мазмуни ва муддатларини танлашдаги мустақиллигини тан олиш, оралиқ ва яқуний аттестацияга ва баҳолашга таълимнинг мақсади ва яқуний натижаси сифатида эмас, балки мотивация ва ўз-ўзини назорат қилиш сифатидаги прагматик муносабатда бўлиш.

3. Таълим берувчи ўқитувчи ва таълим олувчини мустақил таълим фаолиятига йўналтирувчи консультант (устоз, тьютор)нинг ролларини дидактик ўзаро харакат (диалог) асосида ажратиш.

4. Таълимнинг вариативликнинг янада юқорироқ даражасини таъминловчи ва мухбирли коммуникацияни енгиллаштирувчи модуллар асосида ташкил этилиши.

5. Таълим муддатларининг ўзгарувчанлиги ва уларга мос равища таълим жараёнининг шиддати.

6. Кундузги машғулотлар (сессиялар)нинг минимал даражада камайтирилиши, уларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайдиган маҳсус шаклларини ишлаб чиқиши.

Масофавий таълимнинг “мухбирли” дидактик моделига кўра, анъанавий аудитория машғулотлари (маъruzza ва семинарлар) бошқа шакллар: маҳсус ўқув-методик материаллар мажмуаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириладиган ўқувчининг ўз-ўзини ўқитиш фаолияти, ҳамда оддий семинарга ўхшайдиган ва маъruzзадан чуқур фарқ қиласиган фаол амалий гурухли машғулотлар – тьюториаллар билан алмаштирилади.

Телекоммуникация воситалари ва каналлари тьютор ва ўқувчининг ўқув-методик материалларни етказиш ва индивидуал маслаҳатлар бериш жараёнида, гуруҳнинг ўзаро ички харакатларида мулоқот қилиш ва интерфаолликни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Ўқувчининг ўз-ўзини ўқитиш фаолиятини таъминловчи ўқув-методик материаллар мажмуасига факат жиҳозлар ёрдамидагина фойдаланиш мумкин бўлган, ўқувчиларнинг кўпчилик қисми осонлик билан ишлата оладиган материалларгина киради.

Масофадан ўқитишнинг “мухбирли” дидактик моделини амалга ошириш ўқитувчи (тьютор)дан на факат маслаҳатлар, балки психологик қўллаб-қувватлашни ҳам ўз ичига олган маҳсус маҳсус малака ва кўниқмаларни талаб қиласиди. Унинг учун тьютор бир неча ўқув курслари материалларини эркин билиши билан бирга гурухли ишларни ҳам ташкил қила олиши лозим.

Юқорида айтилганидек, масофавий таълимнинг “трансляцияли” модели педагог ва ўқувчининг таълим жараёни доирасидаги муносабатлари туридан фарқ қилмайдиган, демакки, классик дидактика ва таълим жараёнининг анъанавий шаклларига асосланган масофавий ва кундузги таълимнинг принципиал бирлиги foясига асосланади,

Масофавий таълимнинг ушбу моделига кўра, анъанавий машғулотлар: маъruzza ва семинарларнинг телекоммуникация воситалари ёрдамида маълум масофага узатилиши таъминланади, бу эса виртуал аудиторияда ўқиётганлар сонини бир қанча кўпайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, замонавий таълим жараёнининг бошқа ташкил этувчи қисмлари (семинарлар, мустақил иш, маслаҳатлар, баҳолаш ва

б,ш,к.) масофадан ташкил этила олмайды, бу эса масофавий таълимнинг устунлигини камайтиради.

Бундан ташқари, сўз маъruzаларни фақат трансляция қилиш устида кетар экан, бу турдаги ўкув фаолияти ўз устунлиги бўйича пассив характерга эга, у ўкувчилар сонининг қўпайиши билан фақат чуқурлашади.

Шундай қилиб, ўзининг моҳиятига кўра, анъанавий ва аудитория машғулотларини етказиб бериш ғоясидан ва уни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида таъминлашдан иборат бўлган масофавий таълимнинг трансляцияли модели ўзига маълум принципиал чекловларни олади.

Масофавий таълимнинг хар хил турларини солиштиришни якунлар эканмиз, унинг “муҳбирли” турининг дидактик модели белгилар мажмуи бўйича авваламбор катталар таълимига йўналтирилган бўлиб, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни жорий этишда қўл келади.

Хар қандай технологиянинг маъноси ва қўлланиш мақсади – жараённи оптималлаштириш, ундан натижа учун зарур бўлмаган фаолият ва операцияларни чиқариб ташлашдир. Бунда ўқитиш технологиясининг хар бир элементига бир бутун таълим жараёнида ўзининг мақсадга мувофиқ жойи мос келади, хар бир технологик амал, хар бир технологик харакат уни оптималлаштириш масаласини ҳал қилишда ўзининг аниқ ўрнига эга.

Шундай қилиб, таълим технологияси – таълим жараёнини лойиҳалашнинг, агар бажарилса, режалаштирилган натижага эришишини кафолатлайдиган технологик амалларининг тартибланган тизимиdir.

Масофавий таълимда қўлланилайдиган ахборот-коммуникацион технологияларга келинса, уларнинг мазмуни педагогиканинг маҳсус мақсадларидан узоқдир. Қўлланиш соҳаларидан қати назар, улар ахборотни йигиш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс эттириш ва фойдаланишнинг универсал технологиясидир. Таълимга улар фақатгина педагогик мақсадларга эришишини таъминлаш учун, таълим жараёнида қўлланилиши лозимлиги сабабли алоқадордир.

Юқорида келтирилганлар орасида энг мукаммал ишлаб чиқилганлари ўкув курслари ва таълимни бошқариш тизимларини таърифловчи стандартлар гурухлариидир. Бу соҳалардаги ягона стандарт хозирча ишлаб чиқиши ва келишиши босқичида, лекин бир неча стандартлар амалиётда қўлланилмоқда. Бу стандартлар қўйидаги ташкилотлар томонидан юритилади:

ADL тармоқни стандартглаштирувчи ташкилот (SCORM стандарти).

AICC тармоқни стандартглаштирувчи ташкилот.

IMS/GLC саноат консорциуми.

1. ADL (Advanced Distributed Learning) АҚШ Мудофаа вазирлиги ва АҚШ Президенти Администрациясининг фан ва технологиялар соҳасидаги сиёсат Департаменти томонидан масофавий таълим соҳасидаги стандартларни ривожлантириш мақсадида яратилган. Ривожлантиришнинг бош йўналишларидан бири компьютерли ва web-ўқитиш учун техник асосни яратишидир.

SCORM (Sharable Content Object Reference Model) стандартини яратиш ADL концепциясини ривожлантириш йўлидаги биринчи қадамдир, сабаби, бу стандарт ўкув материаллари тузилмасини ва ахборот-таълим

муҳити интерфейсини аниқлайди. Бунинг ҳисобига ўқув объектларидан масофавий таълимнинг SCO (Sharable Content Objects) объектлари билан ишлаш имкониятига эга бўлган турли тизимларида фойдаланиш мумкин.

Масофавий таълим тушунчаси ва моделларининг таҳлили қуидаги хуносаларга келиш имконини беради:

Масофавий таълим – бу таълимнинг ташкилий-дидактик шакли бўлиб, бошқа шакллардан асосан билвосита амалга ошириладиган таълим коммуникацияси усули ва характеристери билан фарқ қиласди.

Масофавий таълимда қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари унинг технологик жараён, таълим жараёнини ташкил этиш моделига боғлиқ ҳолда нисбий вазни ўзгарадиган воситалари ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хуноса қилиш мумкинки, мустақил таълим касбий-педагогик фаолиятга нисбатан адаптив ёки продуктив функцияни бажариши мумкин. Мустақил таълимнинг адаптив функцияси муайян шароитларда касбий масалаларни ечишга қаратилган, продуктив функция эса, педагогнинг продуктив фаолиятининг асосини ташкил этадиган янги мотивлар, қобилиятлар, муаммоларни шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим педагогнинг касбий-шахсий ривожланиши босқичи билан боғлиқ бўлган муайян мазмунга, ички ташкилот ва процессуал динамикага эга, улар эса мустақил таълимнинг йўналғанлиги, мақсадлари, воситалари, методлари ва вазифаларида ўз аксини топган.

Таълим муассасасида курсли ўқитиш, мустақил таълим ва методик ишларнинг синтези, педагогларнинг ҳамда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг объектив эҳтиёжларини ҳисобга оладиган таълим дастурларининг шакллари ва турларининг очиқлигини, ўзгарувчанлигини, вариативлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарорлари.

2. Тихонов А.Н., Иванников А.Д. Технологии дистанционного обучения // Высш. образование в России. – №3 М.: 1994.

3.Круглов Ю.Г. Подготовка учителей без отрыва от производства: Проблемы и значение / Педагогическое образование без отрыва от производства. Ежегодник Учебно-методического объединения по подготовке учителей без отрыва от производства.– №1 – М.: 1990.

4.Тихомиров В.П., Солдаткин В.И, Лобачёв С.Л. Виртуальная образовательная среда: предпосылки, принципы, организация. / Международная Академия Открытого Образования. – М.: Изд-во МЭСИ, 1999. – С.164.

5.Schachtsiek Bernd Private Provision in Distance Education. /In Report of the 1992 EDEN conference at the Academy of Mining and Metallurgy, Krakow, Poland, pp. 27-35.